• *XIX Бутуниттифоқ партия конференцияси олдидан*

# ОШКОРАЛИККА НИМА ЕТСИН

## «Совет Ўзбекистони» анкетаси

1. Сизнинг коллективингизда, партия ташкилотингизда қайта қуриш қандай боряпти? Унинг дастлабки босқичи қандай якунланди?

2. Янгича ишлаш тажрибаларидан қайси бирлари диққатга сазовор ва уни қандай кенг ёйса бўлади?

3. Сизнингча, қайта қуришга нималар халақит беряпти? Қайси ишда ҳали ҳам турғунлик ҳукм сурмоқда?

**Анкета саволларига Наманган область Чортоқ районидаги Навоий номли колхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Назирахон Норматова жавоб беради.**

**У 1972 йилдан КПСС аъзоси, Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари соҳиби. Область партия комитети, Совет хотин-қизлари комитетининг аъзоси, СССР Олий Совети депутати.**



1. Ошкоралик, демократия ва социал адолат принциплари қарор топа бошлаши билан бутун жамият ҳаётида ўзгача жонланиш вужудга келди. Одамлар кайфияти тубдан ўзгарди. Улар қалбида келажакка ишонч туйғуси кучайди.

Колхозимиз районда энг катта ва кўп тармоқли хўжалик. Партия ташкилотининг нуфузи ҳам юқори. Унинг атрофига 236 коммунист бирлашган, шундан 61 нафари хотин-қизлар. Жойларда 19 та цех партия ташкилоти, бешта партия группаси иш олиб боряпти. Пахтачилик, пиллачилик бригадаларининг аксариятига коммунистлар бошчилик қилмоқда. Революцион қайта қуриш жараёни партия ташкилоти фаолиятини ҳам, меҳнат коллективлари фаолиятини ҳам, ижобий жиҳатдан ўзгартириб юборди. Чунки бугунги кунда янгича ишлашнинг моҳиятини кўпчилик тушунди. Одамларимизнинг эндиликда комил ишонч билан меҳнат қилаётганликлари боиси ҳам шунда.

Партия ташкилотимиз (секретари Ш. Қурбонов) кўп иш қиляпти. Айниқса цех партия ташкилотларида жанговарлик кўригини ўтказишга масъулият билан ёндашиляпти. Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш борасида изчил иш олиб борилмоқда. Хотин-қиз кадрлар тайёрлашга эътибор кучайди. Пиллачилик бригадаларидан 9 тасига, пахтачилик коллективларидан 3 тасига хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда. Уларнинг уддабуронлик билан иш олиб бораётганлиги қувончлидир. Ҳозир партия ташкилотлари номенклатурасида 95 нафар резерв кадр бор. Партия йиғилишларига тайёргарлик кўриш, ўтказиш тобора жонланиб боряпти. Беҳуда ваъзхонлик, ортиқча қоғозбозликлар барҳам топяпти. Қабул қилинган қарорлар ижроси эса мунтазам назорат қилиб бориляпти. Коммунистлар ҳамма нарсани ўз номи билан аташга одатланмоқдалар. Муҳими, улар партия ташкилоти фаолиятида, хўжаликни бошқаришда актив қатнашмоқдалар. Қуйидан кўплаб фойдали таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланаётгани ҳам шундан. Бир мисол: колхоз 1985 йилда қурт боқиш учун 12,5 минг сўмлик, кейинги йили 25 минг сўмлик барг сотиб олганди. Коммунистлар янги тут плантациялари барпо этиш, борларида парваришни тубдан яхшилаб, ҳосилдорликни кўпайтиришни талаб этишди. Партия комитети қабул қилган қарорнинг ижросига тўла эришилди.

КПСС аъзолари механизатор Ж. Ҳасанов, суғувчи С. Абдуллаева ва М. Бобоев партия йиғилишида чорвачиликдаги қолоқлик сабабларини очиб ташлаб, аҳволни тўғрилаш юзасидан ҳисоб-китобли конкрет таклиф ва мулоҳазалар билдирган эдилар. Партия комитети уни чуқур ўрганиб чиқди ва маъқул топди. Муҳими, белгиланган тадбирларни амалга оширишда шу ишга алоқадор барча коммунистлар, энг аввало йиғилишда таклиф билан чиққан партия аъзолари фаол қатнашдилар.

Мен фаол хотин-қизлар сафида район, область миқёсидаги турли йиғинларда қатнашиб тураман. Шундан биламанки, айрим жойларда қайта қуриш, жадаллаштириш борасида амалий ишдан кўра гап-сўз кўп. Тўғрироғи, сўз билан иш бирлиги таъминланмаяпти. Натижада кўпинча бошланғич партия ташкилотлари ва қуйи идораларда ҳал этиш имкони бўлган масалалар «ғовлаб», улар билан партия юқори органлари шуғулланишга мажбур бўлмоқдалар. Шу ўринда йил бошида содир бўлган бир нохуш воқеа ҳақида тўхталмоқчиман. 2—5 январь кунлари Наманган шаҳрида водопровод суви сифати кескин ёмонлашди. Ўтказилган текшириш бу воқеага районимиздаги Шимолий Фарғона канали яқинига жойлашган хўжаликлараро бўрдоқичилик базаси, шунингдек «Москва» колхози фермасидаги бепарволик сабаб бўлганлигини кўрсатди. Воқеа тезда ҳал бўлавермагач, обком бюроси ўз мажлисида бу масалани алоҳида муҳокама этишига тўғри келди. База директори А. Аббосов партия сафидан чиқарилди ва лавозимидан бўшатилди. Шунингдек, район санитария эпидемиология станцияси бошлиғига, РАПО раисининг ўринбосарига ҳам партиявий ва маъмурий жазолар берилди.

Шунга ўхшаш кўнгилсиз ҳодисалар бизнинг хўжалигимизда ҳам йўқ эмас. Ўтган йили рўй берган автомобиль аварияси ҳамда техника хавфсизлиги билан боғлиқ иккита нохуш воқеа сабабли 7-8 киши партиявий ва маъмурий жазо олишди. Улар орасида партия комитети аъзоси, колхоз раиси О. Исомов, бош зоотехник С. Усубжоновлар ҳам бор эди. Бу воқеалар бепарволик, масъулиятсизликдан, қайта қуриш талабларини чуқур ҳис этмасликдан келиб чиқди, албатта.

Энди қайта қуришнинг дастлабки босқичи ҳақида. Хўжалигимизда маҳсулот етиштириш ва топшириш планлари асосан бажариляпти. Гарчи, шароит оғир бўлсада, ўтган икки йилда давлатга планда белгиланган 11 минг 820 тонна ўрнига, 11 минг 924 тонна пахта етказиб берилди. Бироқ ўтган йилги натижалардан кўнглимиз тўлгани йўқ. Хўжалик бўйича 172 тонна пахта етмай қолди. 23 та бригададан 10 таси йиллик планни уддаламади. Бунинг устига ҳар бир центнер пахтанинг таннархи олдинги йилдагидан 3 сўмга қимматга тушди.

Нега шундай бўлди? Раҳбарларимиз, энг аввало партия ташкилотимиз йиғим-теримнинг охиригача қатъият кўрсата олмадилар. Талабчанлик бўшашди. Бундан фойдаланган айрим бригада бошлиқлари сусткашликка йўл қўйдилар. Районимиз пахтакорлари бу планни бемалол бажаришди. Аммо колхозимизнинг маррага етай деганда оқсаб қолганини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Бу сабоқ бўлиши, ундан тўғри хулоса чиқарилиши лозим.

2. Янгича ишлаш кўп орзу-умидларни рўёбга чиқармоқда. Партия ташкилоти меҳнаткашларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилашни ўз қўлига олди. Инсон омилини фаоллаштириш билан боғлиқ социал-маиший масалалар кун тартибида тез-тез кўриладиган бўлиб қолди. Ўтган йилнинг ўзида 634 минг сўмлик капитал маблағ ўзлаштирилди. Колхоз қишлоғида яна битта ҳаммом, чорвачилик комплексида сауна, кўплаб уй-жой, маданий-маиший объектлар ишга туширилди. Яқинда колхозда коммунист З. Қодиров бошлиқ алоҳида қурилиш бригадаси тузилиб, у одамларга шахсий уйлар қуриб бермоқда. Бу ҳам қайта қуриш шарофатидир. Ҳозир хоҳ ишда, хоҳ йиғилишда бўлсин ҳеч ким ҳеч нарсани яширмаяпти. Аччиқ бўлса ҳам очиқчасига гаплашишни ўрганяпмиз. Ошкораликка нима етсин. Лекин ҳозирча ҳамма ҳам бунга журъат қилаётгани йўқ. Баъзи ичимдан топ, дегувчилар ҳам учраб туради. Менимча, партия ташкилотлари ошкораликни янада кенгайтиришга, социал-маиший соҳани ривожлантиришдаги дастлабки тажрибаларни бойитишга эътиборни кучайтириши зарур.

3. Қайта қуришга халақит бераётган жиҳатлар озмунча эмас. Партия ташкилотлари, бошқа раҳбар органлар қайта қуриш ҳақида кўп гапиришяпти-ю, бироқ кенг оммага бунинг туб мақсади ва моҳиятини етарлича тушунтириб беришмаяпти. Қолаверса, уларнинг ўзлари ҳам амалда кўпинча сўз ва иш бирлигини таъминламаяптилар. Чортоқ узоқ йиллардан бери областдаги пешқадам районлардан бири бўлиб келяпти. Аммо райондаги бир қанча муаммолар ҳамон ҳал бўлмай қоляпти. Район маркази — Чортоқ шаҳри архитектураси ҳеч кимни қизиқтирмайди. Бир неча гектар майдонни эгаллаган маданият ва истироҳат боғи қишин-ёзин ҳувиллаб туради. Бундан уч йил илгари бошланган канализация қурилиши поёнига етказилмай тўхтатиб қўйилди. Чортоқ колхоз бозорининг қиёфаси ҳануз ўзгаргани йўқ. Қолаверса, шундай машъал район ўзининг муқим автостанциясига эга эмас.

Шунга ўхшаш қусурлар колхозимизда ҳам бор. 7 та доимий болалар боғчасидан иккитаси, 11 та мактабдан еттитаси, 25 та дала шийпонидан бештаси ночор аҳволда. Кўча ва дала йўлларининг талай қисми асфальтланмаган. Бундан ўн йил аввал хўжалигимизга қўшилган «Фарғона» колхози участкаси қаровсиз ҳолга тушиб қолди. Буларнинг ҳаммаси одамларнинг кайфиятига ва асабига шубҳасиз таъсир қилмоқда. Уларнинг қайта қуришдаги фаоллигини сусайтирмоқда. Ижодкорлик, ташаббускорлик фазилатлари камдан-кам кўзга ташланади.

Юқорида айтганимдек, колхозимиз кўп тармоқли. Лекин, партия ташкилоти ўз фаолиятида ҳамма соҳаларга раҳбарликни қамраб ололмаяпти. Бу айниқса, ҳал қилувчи бўғин — партия қуйи бўғинларига, коммунистларга тааллуқлидир. Шунинг учун турғунликдан қутулолмаётган томонларимиз ҳам йўқ эмас. Бу ҳол колхоз экономикасининг асоси — пахтачиликда рўй берганлиги, айниқса ташвишлидир. Тўғри, кейинги йилларда деҳқонларга анча мустақиллик, эркинлик берилди. Ўқувчи ва ҳашарчиларсиз ишлаш ҳаракати бошланди. Бироқ айни пайтда пахтачиликни механизациялаш даражаси пасайиб кетди. Масалан, ўтган йили колхозимизда 500 гектар ер машина теримига ажратилиб, амалда эса 400 гектардаги ҳосил техника билан териб олинди. 15 та терим агрегати билан 1420 тонна ўрнига 970 тонна пахта терилди. Бу бош агроном У. Абдураҳимов, бригада бошлиқларининг лоқайдлиги туфайли содир бўлди.

Ҳар йили мавсум бошида теримни механизациялаш юзасидан мажбуриятлар олинади. Аммо навбат унинг бажарилишига келганда назорат бўшашади. Хўжалик раҳбаларидан райком секретаригача бу ишга жиддий эътибор беришмайди. Оқибатда пахта таннархи қимматлашмоқда. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IX пленуми айни шу масалани жуда ўткир қилиб қўйди. КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленумида иқтисодий фикрлашдан ўзини четга олаётган, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялашга муносиб ҳисса қўша олмайдиган раҳбарлардан тезроқ қутулиш лозимлиги таъкидланди. Агар бу жараён ҳал этилмаса, жамиятимизнинг иқтисодий асосига жиддий путур етиши мумкин. Айнан демократия, ошкоралик принциплари бу тенденцияга барҳам беришига, ваъдабозликка чек қўйишига ишонаман.

# РАСМИЙ АХБОРОТ

## ВАТАН УРУШИ ИНВАЛИДЛАРИГА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

**СССР Министрлар Совети уруш инвалидларининг моддий-маиший турмуш шароитларини яхшилаш мақсадида «Ватан уруши инвалидларига транспорт хизматини янада яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Қарорда медицина кўрсатмалари бўйича бепул «Запорожец» енгил автомобили билан таъминланиш ҳуқуқига эга бўлган, лекин медицина нуқтаи назаридан автомобиль ҳайдашга қўйиб бўлмаганлиги ва доимо бирга яшайдиган ва автомобилни бошқара оладиган оила аъзолари йўқлиги сабабли автомобиль олмаган I ва II группа Ватан уруши инвалидларига транспорт хизмати харажатларини қоплашга ҳар йили 400 сўмдан пул бериб туриш кўзда тутилади. Бошқа уруш инвалидлари ўзларига тегишли бепул «Запорожец» автомобилини олишни истамаганлари тақдирда уларга ҳам шу пул тўланади.

СССР Молия министрлиги ҳамда СССР Меҳнат ва социал масалалар давлат комитетига уруш инвалидларига транспорт хизмати харажатларини қоплаш учун ҳар йили бериладиган пулни тўлаш тартибини белгилаб чиқиш вазифаси топширилди.

Қарор 1988 йил 1 июндан кучга киради.

## ДОИМИЙ ЯШАШ ЖОЙИДА ВАҚТИНЧА ТУРМАЁТГАН ГРАЖДАНЛАРНИНГ УЙ-ЖОЙ ҲУҚУҚЛАРИ ГАРАНТИЯСИ ТЎҒРИСИДА

**СССР Министрлар Совети «Иш шароити ва характерига қараб доимий яшаш жойида вақтинча турмаётган гражданларнинг уй-жой ҳуқуқлари гарантияси тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Қарорда бундай гражданларнинг (кема экипажларининг аъзолари, геология, қидирув партияларининг, экспедицияларнинг ходимлари ва фаолиятлари доимий ҳаракатда бўлиш билан боғлиқ бошқа ходимлар) уй-жойи шу ишни бажариш учун кетадиган бутун вақт мобайнида сақланиб туриши белгиланган.

Шу гражданлар доимий яшаш жойларида район, шаҳар, шаҳардаги район ижроия комитетида, халқ депутатлари поселка, қишлоқ Советларининг ижроия комитетида уй-жой шароитларини яхшилаш рўйхатига олинади, уларнинг жўнаб кетганликлари важ қилиниб шу маҳаллий Советларнинг ижроия комитетидаги рўйхатдан чиқариб юборилмайди ва шу гражданлар аҳоли пунктида пропискадан ўтган-ўтмаганлигидан қатъи назар улар уй-жой билан таъминланади ва бу уй-жой сақланади. Бу кишиларнинг оилалари уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтожлигини аниқлашда оила аъзоларидан биронтаси сақланаётган уй-жой қаерда бўлса, ўша ерда ёки иш жойида халқ депутатлари маҳаллий Советининг ижроия комитетида рўйхатга қўйилганида ҳам шу кишилар назарда тутилади. Уй-жой оилага берилган бўлса, ўша вақтинча йўқ граждан ҳам оила составида ҳисобга олинади.

Иш шароити ва характерига қараб доимий яшаш жойидан жўнаб кетган гражданлар доимий яшаш жойларида уй-жой саҳни бор-йўқлигидан қатъи назар ишлаб турган корхонаси, муассасаси ва ташкилотида уй-жой шароитини яхшилаш рўйхатига киритилиши мумкин. Бу кишилар уй-жой олганида ёки оила аъзолари уй-жойга кўчиб ўтганида, шунингдек доимий яшаш учун уй-жой билан таъминлаш бошқа ҳолларида уларнинг илгари эгаллаб турган ва бўшатиб қўйган уй-жойдан фойдаланиш ҳуқуқи йўқолади.

## ХИЗМАТ КОМАНДИРОВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**СССР Министрлар Совети корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг ҳуқуқларини кенгайтириш, хизмат командировкаларига маблағлар тежамли сарфланиши учун уларнинг масъулиятини ошириш, командировкаларга ҳақ тўлаш тартибини соддалаштириш ҳамда ҳужжатлар оборотини камайтириш мақсадида «СССР доирасидаги хизмат командировкалари тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Қарорда бошқарув органлари, шунингдек бюджетда турувчи муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг командировка харажатларидан ташқари бирлашмалар, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг хизмат командировкаларига харажатларни чеклаш бекор қилинади.

Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларида яшаш жойини ижарага олиш, шунингдек командировка қилинган жойга етиб бориш ҳамда доимий иш жойига қайтиб келиш харажатларини қоплаш нормалари аниқлаб берилган. Шу харажатларнинг миқдори олдиндан маълум бўлган ҳолларда корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига командировка қилинган ходимларнинг ана шу харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар берилмаса ҳам уларнинг розилигига қараб тўлашга рухсат этиш ҳуқуқи берилади.

(ТАСС).

## ҚУЛАЙ «ҲАМСУҲБАТ»

**Г. ХОБОТЬЕВ, Москва, Жамоатчи мухбиримиздан.**

— Москва нашриётида чоп этилган янги сўзлашув китоби қулайлиги билан ажралиб туради. «Рус тили» — «Ўзбекча — русча ва русча — ўзбекча сўзлашув» китобининг муаллифлари В. Красних билан С. Ғоипов мазкур қўлланманинг ҳаммабоп бўлишига аҳамият беришган. Қўлланма ўзаро мулоқот чоғида кўп ишлатиладиган сўзлар, ифодалар, нақл ва мақоллар билан бойитилган. Китоб меҳмонхона ва уйда, кўча ва ошхонада, спорт иншоотлари-ю ва транспортда русча ёки ўзбекча сўзлашувни ихтиёр этганларга «ҳамсуҳбат» бўлиши мумкин. Қўлланма 25 минг нусхада босилди. Бу билан минглаб кишиларга ўзаро суҳбатлашувга мос «йўлдош» топилди.

## «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

**ЧИРОҚЧИ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ:**

— Райондаги Калкама қишлоқ Совети ижроия комитетининг раиси У. Шоимов устидан ёзилган шикоят хат текширилганда унда кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланди.

Текшириш якунлари район партия комитетининг бюро мажлисида кўриб чиқилди. Ўзининг ҳақиқий ёшини яшириб, ҳужжатлар тўғрилагани ва КПСС сафига ўтишда район партия комитети бюросини алдаганлиги учун У. Шоимов партия сафидан чиқарилди.

**ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БЎЛИМИ:**

— Урганч районидаги «Қизилжар» совхозининг Али-овул қишлоғи аҳолиси хати текширилди ва аризачилар иштирокида муҳокама этилди. Мактубда келтирилган фактлар қисман тасдиқланди.

Беморларни қабул қилиш ва даволашда камчиликларга йўл қўйганлиги ҳамда меҳнат қонунини бузганлиги учун қишлоқ-участка касалхонаси бош врачи К. Жумабоева лавозимидан бўшатилди.

**НУРОТА РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:**

— Қизилча қишлоғи аҳолиси хатида кўрсатилган фактлар қисман тасдиқланди. Экспедитор Ф. Эргашев аҳолига суюлтирилган газ сотиш чоғида 70 тийин уриб қолган.

Бу масала район агросаноат бирлашмасига қарашли ремонт ишлаб чиқариш корхонасининг умумий йиғилишида муҳокама этилиб Ф. Эргашев экспедиторлик вазифасидан озод қилинди.

Қизилча қишлоқ Совети ижроия комитетига аҳолига газ баллонларини тарқатиш устидан назорат ўрнатиш вазифаси топширилди.

## Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми: Халқ хўжалигига катта тежам берган юксак самарали рационализаторлик таклифларини ишлаб чиққанлиги ва улардан фойдаланганлиги учун Ўзбекистон ССР Сув хўжалиги қурилиши давлат комитети «Ташкентводстрой» қурилиш-монтаж ишлаб чиқариш бирлашмаси 4-механизациялашган кўчма колоннасининг мастери ўртоқ Евгений Максимович **Количевга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган рационализатор» фахрий унвони;

Кўп йил бенуқсон ишлаганлиги, замонавий диагностика ва даволаш методларини жорий этганлиги учун Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ҳузуридаги 4-бош бошқарма 2-марказий клиник касалхонаси шошилинч кардиология бўлимининг мудири ўртоқ Лидия Николаевна **Некрасовага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони;

Республика инвалидларига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашдаги катта хизматлари учун Ўзбекистон инвалидларни экспертизадан ўтказиш ва уларнинг меҳнат қобилиятини тиклаш илмий-тадқиқот институти бўлимининг мудири ўртоқ Григорь Львович **Шленскийга** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» фахрий унвони;

Аҳоли соғлиғини сақлаш ва амалий соғлиқни сақлаш ишларини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун Чимбой эркаклар психоневрологик интернат-уйининг директори Давлатназар **Мардеимов** ва Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги 1-клиник касалхонасининг бош врачи ўртоқ Мирабзал Маҳмудович **Юнусов** ўртоқларга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» фахрий унвони берди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми совет киносини пропаганда қилиш ишидаги хизматлари ҳамда жамоат ишларидаги активлиги учун Санъат саройининг бош инженери ўртоқ Семён Моисеевич **Боязнийни** Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

• *Долзарб масала*

# НАРХ-НАВО МУАММОЛАРИ

**«ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРДА ТЎҚСОНИНЧИ ЙИЛЛАРНИНГ БОШЛАРИДА НАРХ БЕЛГИЛАШНИНГ МАВЖУД СИСТЕМАСИ ИСЛОҲ ҚИЛИНИШИ ХУСУСИДА МУНОЗАРАЛАР ТОБОРА АВЖ ОЛМОҚДА. НЕГА БУ СОҲАДА ЎЗГАРИШ ҚИЛИШ ЗАРУРЛИГИНИ ТУШУНТИРИБ БЕРСАНГИЗ!**

**В. СМИРНОВ, ишчи, Красноярск шаҳри».**

«Нархи қанча?» Ана шу, дафъатан, жўн саволда чиндан ҳам қайта қуришнинг энг муҳим ва ўткир иқтисодий муаммоларидан бири акс этиб турибди. Бу муаммо мамлакатда нарх белгилашнинг пойдевори бўлган принциплар билан боғлиқдир. КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленумида нарх белгилашни такомиллаштириш, уни иқтисодий ва социал сиёсатнинг актив дастурига айлантириш назарда тутилган. Газетхоннинг нарх белгилашни қайтадан кўриб чиқиш билан боғлиқ саволини ТАСС мухбирлари СССР Фанлар академияси марказий иқтисодий-математика институти директорининг ўринбосари, СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Н. ПЕТРАКОВГА йўлладилар.

— В. Смирнов саволига бериладиган жавоб ҳақиқатан ҳам тушунарли бўлмоғи учун бошқа бир масалани, яъни нархнинг мазмуни нимада, деган саволни ойдинлаштириб олишимиз керак. Икки оғиз сўз билан жавоб берадиган бўлсак қуйидагиларни айтиш мумкин: нарх маҳсулот ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ бўлган бир қанча омилларни акс эттиради. Товар муайян нарх билан сотилаётган экан, бу уни иқтисодий реализация қилиш демакдир, яъни товар ишлаб чиқарувчидан харидорга ўтади. Бу ўринда нарх ушбу муносабатларнинг холис «хизматчиси» бўлади. Ишлаб чиқариш қўлида қандай омиллар бор? Табиийки, харажатлар, меҳнат унумдорлиги, турли ресурслар сарфи ана шу омиллар жумласидандир. Бу, маълум маънода, ҳам структура сиёсати, ҳам капитал маблағ сиёсатидир.

Истеъмолга тааллуқли омиллар қаторига маҳсулотнинг истеъмол хоссалари, унинг сифати киради. Бу хоссалар ҳам, сифат ҳам ишлаб чиқарувчига эмас, балки истеъмолчига керак.

Биз тез-тез ишлаб чиқарувчи ҳукмини ўтказмоқда, деб қўямиз. Бунинг маъноси нимада? Ишлаб чиқарувчи истеъмолчига бирон-бир ўлчамдаги, баъзан эса истеъмолчига мутлақо керак бўлмаган сифати паст товарни тиқиштиради.

Лекин бу ўринда масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Хўш, истеъмолчи ана шундай товарни нега олмоқда? Агар маҳсулотнинг сифати маъқул келмаса, уни олмайсиз, йўлингизда кетаверасиз. Аммо гап шундаки, ҳозир содир бўлган вазиятда истеъмолчи қўлида жуда кўп пул тўпланиб қолди. Бунинг сабаблари ҳар хил. Масалан, агар ишлаб чиқариш истеъмолчиси бўлган корхонани оладиган бўлсак, у станоклар сотиб олади. Хўш, бу соҳада нималар бўлмоқда? Сўнгги 15 йил ичида металл қирқиш станоклари нархи қувват бирлиги ҳисобига уч баравар ортди, станокларнинг унумдорлиги эса 30 процент кўпайди, холос. Нархнинг ўсиши билан сифатнинг ўсишини бир-бирига мутлақо таққослаб бўлмайди.

Нега нарх баланд? Сифат-ку бир оз яхшиланган экан, нега энди истеъмолчи «жарақ-жарақ» пул санаб беряпти, деган саволлар пайдо бўлмоқда. Бунинг боиси шундаки, истеъмолчи маблағни бюджетдан олмоқда, бу пулларни унинг ўзи ишлаб топмаган. Корхона министрликка, Давлат банкига, Давлат план комитетига мурожаат қилади... Корхонага деярли ҳамиша қарз беришади ёки бюджетдан маблағ ажратишади. Шу боисдан ҳам корхона нархнинг арзон-қимматлигига қараб ўтирмайди. Аммо аҳоли ҳақида бундай дея олмаймиз.

КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил июнь Пленумида қуйидаги рақам ошкора айтилди: бизда сўнгги 15 йил ичида муомаладаги пул миқдори уч баравар кўпайди, товар ишлаб чиқариш ва хизматлар ҳажми эса икки баравар ортди, холос.. Турғунлик давридаги сиёсат шундай бўлдики, планлаштириш ва структура сиёсатидаги турли номувофиқликлар ва нуқсонлар кўпинча муомалага пул чиқариш билан қопланди. Бошқача айтганда, пул қадрсизланиб борарди.

Чет эллардан олиниб, 120—140 сўмдан сотилаётган аёлларнинг этикчаларини сотиб олишга ихлосманд одамлар сабр-тоқат билан навбат кутиб туришибди, буни ҳаммамиз кўрганмиз. Мамлакатимизда эса ўртача иш ҳақи 195 сўмга баробардир. Бир томондан, иш ҳақи даражасига нисбатан ақл бовар қилмайдиган нархлар кўзга чалинса, иккинчи томондан аҳолининг муайян гуруҳлари қўлида ортиқча пул борлиги сезилиб турибди, яъни агар дўконда тузукроқ товар бўлса, аҳоли сотиб олишга тайёр. Айрим идоралар зимдан нархни ошириш учун худди ана шу вазиятдан фойдаланиб қолмоқдалар. Қўшимча хизматлар ўйлаб чиқилмоқда, автомат камераларда юк сақлаш нархлари кўтарилмоқда...

Лўнда қилиб айтадиган бўлсак, таклиф этилаётган товарлар билан ана шу товарларга пул эҳтиёжи ўртасида аниқ-равшан номувофиқлик пайдо бўлди. Бунинг оқибати нима бўлади? Биринчидан, молни ўлчаб тақсимлашга тўғри келади, бошқача айтганимизда, турли регионлар таъминотининг ўзига яраша карточка системаси жорий қилинади. Шундан сўнг буюртмалар системаси йўлга қўйилади. Айтайлик, гўштнинг нархи паст, аҳоли уни кўплаб сотиб олиши мумкин, аммо гўшт етишмайди. Хўш, нима қилиш керак? Катта корхоналар, муассасаларда буюртмалар уюштирилади. Аммо бу ўринда ҳам социал адолат принципи бузилади. Чунки йирик авиация заводи ишчиларининг буюртма олишга ҳақлари бор. Аммо ана шу ишчиларни даволаётган, уларнинг фарзандларини ўқитаётган врачлар ва муаллимларнинг бундай ҳуқуқи йўқ. Булар ё умуман гўшт емай қўйишади ёки уни бозордан сотиб олишади, ёки электричкага чиқишиб, шу яқин орадаги катта шаҳарга маҳсулот сотиб олиш учун боришади.

Бунинг сабаби шундаки, мамлакатимизда нарх сиёсати ниҳоятда «карахт» бўлиб қолган эди ва ишлаб чиқариш ҳамда истеъмол омилларининг амалдаги динамикасини акс эттирмай қўйган эди. Агар нарх-навони иқтисодий сиҳат-саломатлик термометри билан ўлчайдиган бўлсак, у ҳамиша 36,5 даражани кўрсатиб турар эди. Гарчи биз ҳаммамиз, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда жуда катта номутаносибликлар бўлди, жуда кўп исрофгарчиликларга йўл қўйилди, капитал маблағ сиёсатида анчагина нотўғри қарорлар чиқарилди, бу капитал маблағлардан олинадиган самара кам бўлди, деб гапирсак ҳам, булар нархда акс этмади. Нархлар қандай бўлса, шундайлигича тураверди.

**— Сўнгги вақтда биз дотациялар ёрдамида озиқ-овқат маҳсулотлари нархини сунъий равишда паст даражада сақлаб туриш иқтисодий тўғаноқ эканлиги тўғрисида кўп гапирмоқдамиз. Айни вақтда ноозиқ-овқат товарлари айрим турларининг нархи ҳақида гапирганимизда қиймат қонунини унутиб қўймоқдамиз, ҳолбуки юқоридаги товарлар нархи мамлакатимизда анча баланд. Наҳотки, бу иқтисодий жиҳатдан ўзини оқласа!**

— Ўзини оқламайди, албатта. Яна ўша гўштни олиб кўрайлик. Мамлакатимизда гўштга ягона нарх белгиланмаган. Нарх турли-туман. Булар орасида давлат нархи, комиссион нарх, умумий овқатланиш корхонаси, хом таомлар дўкони нархи, колхоз бозори нархи бор... Агар сиз истеъмолчи сифатида қаерда хоҳласангиз, худди ўша ерда гўшт сотиб олиш имкониятига эга бўлсангиз, бу борада тахликали гап йўқ, дейиш мумкин бўлур эди. Меҳмон кутмоқчимисиз? Марҳамат, бозорга бориб ҳар килосига 8 сўмдан тўлаб янги сўйилган мол гўштидан сотиб олдингиз-да, меҳмоннавозлик қилдингиз. Иккинчи куни эса магазинга бориб 2 сўмдан гўшт сотиб олишингиз мумкин. Аммо ҳамма гап шундаки, мамлакатнинг турли районлари ва шаҳарларида ана шу нисбатлар турлича бўлмоқда. Одамлар асосан давлат савдосидан гўшт сотиб олаётган районлар ҳам, гўшт фақат бозордан ёки омад келганида комиссион савдодан сотиб олинаётган районлар ҳам бор.

Бу ўринда яна социал адолат масаласи пайдо бўлди. Ахир, биз гўштни арзон нархда сотиб, худди ана шу адолатни қўллаб-қувватламоқчимиз-ку. Камроқ ҳақ оладиган кишиларнинг ҳам маҳсулот харид қилишга бошқалар қатори қурби етиши керак. Лекин ўша маҳсулот етарли бўлганида ва худди шу нарх билан сотилганидагина бунга эришиш мумкин. Аслида бундай бўлаётгани йўқ. Мамлакатимизда аҳоли жон бошига йилига ўртача 60 килограмм гўшт истеъмол қилинади. Ҳар бир килограмм гўштнинг ўртача нархи сиз уни қаерда сотиб олганингизга боғлиқ. Бозордан қанчасини, дўкондан ва кооператив савдодан қанчасини сотиб олганингизни ҳисоблаш керак. Районларга қараб ва аҳоли табақаларига қараб ана шу нарх ўртасида катта — тахминан 3—4 баравар тафовут бор.

Биз мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари илгаригидек арзон деб хом хаёл қилиб юравердик. Аммо, умуман олганда, харажатлар билан нархлар ўртасида тафовут бўлганидагина ана шу хом хаёл вужудга келади. Буни қандай қилиб бартараф этса бўлади? Аҳоли ҳисобигагина бартараф этиш мумкин. Агар нархлар ишлаб чиқаришга кетадиган ижтимоий зарурий харажатларни қопламаса, кимдир бунинг ўрнини тўлдириши керак-да. Лекин давлат ихтиёрида корхоналар ва аҳоли қўлидагидан бўлак махсус маблағ йўқ. Дотация шундай келиб чиқади. Аммо аслини олганда бу дотация маҳсулотнинг бошқа турларига нархнинг оширилиши билан қопланади. Бу ўринда ҳам сира қаллоблик йўқ. Ҳамонки мен бир товарни арзон сотиб олаётган эканман, бошқасини юқорироқ нархда олишим керак. Ҳозир кенг миқёсда шундай бўлмоқда.

Назаримда, бизда харажатлар нуқтаи-назаридан ҳам, сифат нуқтаи-назаридан ҳам кийим, пойабзал, мебель, теле ва радио аппаратурага нархлар ниҳоятда ошириб юборилган. Ўзингиз бир назар солинг, ахир. Австрия ва Франциянинг ўша машҳур этикчалари 120—140 сўмдан сотилаяпти. Бизнинг этиклар эса, гарчи сифат жиҳатдан тўрт-беш баравар берироқ бўлса ҳам 70—80 сўмдан пулланмоқда. Агар рўй-рост, ҳалоллик билан айтадиган бўлсак, этикларимиз 30 сўмдан, баъзан эса 20 сўмдан сотилиши керак. Лекин улар қарийб уч баравар қимматга сотилмоқда. Бундан мурод нима? Аҳоли гўшт сотиб олаётганида ён босилганини қоплаш мақсадида ундан пул йиғиб олинмоқда.

Устига-устак, бу жараёнлар ҳамма нарсани чалкаштириб юборади. Чунки ҳар бир одам «кўрпасига қараб оёқ узатиб» истеъмол қилади. Айтайлик, айрим кишилар башанг либос ёки бирон-бир буюм сотиб оламан, деб гўшт емасликка тайёр. Бошқалар эса яхши овқатланишни асосий омил деб биладилар. Оқибатда ким ютаяпти-ю, ким ютқазяпти — номаълум бўлиб қолади. Агар ҳамма ҳам бир хил ботинка, бир хил костюм сотиб олса, гўшт ва нонни баб-баравар истеъмол қилса, ўшанда бир қадар адолат ҳақида гапирса бўларди — яъни «мен баъзан арзон нархда сотиб олдим, баъзан эса қимматроққа олдим, хуллас ора очиқ бўлди» дейиш мумкин бўлур эди.

Умуман, жамият ҳақиқатан ҳам «ора очиқ» дейиши мумкин. Дарҳақиқат, ҳозир гўштга дотация тарзида берилаётган 60 миллиард сўмдан ҳам кўпроқ маблағ қимматбаҳо автомобиль, радио-приёмниклар, магнитофонлар, холодильниклар, кийим-кечак сингари барча товарларимиз оборотидан солиқ сифатида қайтиб келмоқда... аммо, юқорида айтганимдек, ҳар бир одам кўрпасига қараб оёқ узатади. Ҳатто ҳар бир социал табақада ҳам шу нарса содир бўлади, кимдир ютади, кимдир ютқазади. Бундай қилишдан мурод нима? Қиймат қонунини акс эттирадиган нархларнинг нормал системасини жорий этиш жўнроқ бўлмасмиди, деган савол кўндаланг бўлади.

**— Ахир, бу ҳозирги нархларни қайта кўриб чиқишни ва, эҳтимолки, озиқ-овқат маҳсулотлари айрим турлари нархининг оширилишини талаб этадику..**

— Шуни тушуниб олиш кераккки, агар биз ҳақиқатан ҳам бир қадар адолатли эквивалент алмашувни ўрнатмоқчи бўлсак, нархларни бирон-бир йўсинда реал харажатларга мослашимиз керак. Бу жараённи мушкул дейиш ўринли бўлмас. Одамлар, албатта, нарх-навонинг ошишини истамайдилар, ахир бу киши табиатига хос нарса. Бунинг яна бир боиси шундаки, одамларни неча бор алдашди. Масалан, транспортда — Аэрофлотда, темир йўлда нарх ошган эди, лекин хизмат сифати мутлақо яхшиланмади, баъзи жойларда ҳатто ёмонлашди.

Назаримда, муаммо бошқачароқ тарзда ўртага қўйилиши керак. Аслини олганда,

